



ЁШЛАР ТОМОНДАН СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ

*Саитқулов Қодирали Абдисалимович
Исамиддинов Садирдин Ғанижонович*

Аннотация:

Мақолада ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг профилактикаси бўйича мамлакатда амалга оширилаётган ҳуқуқий ва институционал чора-тадбирлар, уларнинг самарадорлиги ҳамда мавжуд муаммолар таҳлил қилинган. Шунингдек, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактик тизимни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, идоралараро ҳамкорлик, риск индикаторлари, барвақт профилактика, рақамли технологиялар, ижтимоий профилактика, маҳалла институти, профилактик механизмлар, криминологик таҳлил.

Бугунги кунда ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар профилактикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Расмий статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда ёшлар (айниқса 14–30 ёш тоифаси) томонидан содир этилган жиноятлар жами жиноятчилик таркибида сезиларли улушни ташкил этиб, айрим йилларда ушбу кўрсаткич 20–30 фоизгача етгани кузатилмоқда. Шу билан бирга, профилактик чора-тадбирлар кучайтирилган шароитда айрим турдаги жиноятлар бўйича камайиш динамикаси қайд этилса-да, интернет орқали



содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва мулкый жиноятлар сегментида барқарор юқори кўрсаткичлар сақланиб қолмоқда.

Жамиятда барқарорликни таъминлаш, ёшларни ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида комплекс профилактик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ, амалий таҳлиллар шуни кўрсатадики, профилактик тизимнинг самарадорлиги айрим ҳудудларда етарли даражада эмас бўлиб, қайта жиноят содир этиш ҳолатлари ҳамда “риск гуруҳ”даги ёшлар билан ишлаш самарадорлигининг пастлиги сақланиб қолмоқда. Шу сабабли, мазкур соҳада айрим ташкилий ва ҳуқуқий муаммолар мавжудлиги тизимнинг умумий натижадорлигига таъсир кўрсатмоқда.

Ёшлар жиноятчилигининг олдини олишга қаратилган профилактика тизими қуйидаги норматив-ҳуқуқий асосларга таянади: Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни ҳамда соҳага оид Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда профилактик чора-тадбирларни амалга оширишнинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади. Бироқ, амалдаги нормаларнинг айрим ҳолларда тизимли эмаслиги, ўзаро такрорланиши ҳамда айрим йўналишларда ҳуқуқий механизмларнинг етарлича аниқ белгиланмаганлиги профилактик фаолият самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар органлари, таълим муассасалари, маҳалла институти, соғлиқни сақлаш ва



ижтимоий хизматлар муҳим ўрин тутди. “Маҳалла еттилиги” механизми орқали жойларда профилактик ишлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Расмий мониторинг натижаларига кўра, профилактик фаолиятнинг асосий қисми маҳалла ва ички ишлар органлари зиммасига тўғри келади, бироқ айрим ҳудудларда идоралараро ҳамкорликнинг етарлича мувофиқлашмаганлиги сабабли профилактик чоралар самарадорлиги пасайган ҳолатлар кузатилмоқда.

Шу билан бирга, айрим тадқиқот ва амалий кузатувлар идоралараро ҳамкорлик механизмларидаги номутаносибликлар натижасида профилактик тадбирларнинг самарадорлиги шартли равишда қониқарли даражадан паст ҳолатда (45-50 фоиз) эканлигини кўрсатади. Бу эса тизимда ягона ахборот алмашинуви ва мувофиқлаштириш механизмларини янада такомиллаштириш заруратини юзага келтиради.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш амалиётида қуйидаги асосий муаммолар мавжуд бўлиб, улар тизим самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда:

Биринчидан, амалда профилактик тадбирлар кўп ҳолларда умумий, стандартлаштирилган тарзда амалга оширилмоқда. Ёшларнинг шахсий хусусиятлари, ижтимоий ҳолати, оилавий муҳити, психологик ҳолати ва ҳуқуқ-атвори етарлича ўрганилмаслиги натижасида профилактик таъсир кучсизлашмоқда. Натижада, айрим “хавф гуруҳ”даги ёшлар билан ишлашда профилактик чоралар индивидуал эҳтиёжларга мос келмай қолмоқда.

Иккинчидан, ёшлар орасида жиноят содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни эрта босқичда аниқлаш тизими етарлича такомиллашмаган. Риск индикаторлари ва баҳолаш мезонлари амалиётга тўлиқ жорий этилмаганлиги сабабли, профилактика ишлари кўп ҳолларда жиноят содир этилгандан кейин ёки кеч босқичда амалга оширилмоқда. Бу эса барвақт олдини олиш имкониятларини чеклайди.



Учинчидан, профилактика жараёнларида замонавий рақамли технологиялар, ягона электрон маълумотлар базаси ва аналитик дастурий воситалардан фойдаланиш даражаси етарли эмас. Идоралар ўртасида маълумот алмашинуви кўп ҳолларда анъанавий усулларда амалга оширилиши сабабли, тезкорлик ва аниқлик даражаси паст бўлиб қолмоқда. Бу эса оператив профилактик қарорлар қабул қилиш имкониятини чеклайди.

Тўртинчидан, маҳалла, таълим муассасалари ва бошқа ижтимоий институтлар томонидан амалга оширилаётган профилактик тадбирлар кўп ҳолларда тарқоқ ва узвийликка эга эмас. Ёшлар билан ишлашда профилактик ишлар бир марталик тадбирлар шаклида қолиб кетиши, уларнинг узок муддатли таъсирини пасайтирмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий-психологик ёрдам, касбий йўналтириш ва маънавий тарбия ишлари етарли даражада интеграция қилинмаган.

Сўнгги йилларда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш тизимида рақамли технологияларни жорий этиш йўналишида муайян ижобий силжишлар кузатилмоқда. Жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотларни электрон шаклда юритиш, идоралараро ахборот алмашинувини рақамлаштириш, айрим статистик ҳисоботларни автоматлаштириш каби чоралар амалга оширилмоқда. Бу эса профилактик жараёнларнинг тезкорлиги ва шаффофлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бироқ, амалдаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, профилактика тизимида ягона интеграциялашган электрон мониторинг платформасининг тўлиқ шаклланмаганлиги муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда маълумотлар турли идоралар кесимида алоҳида базаларда юритилиши сабабли, уларни бирлаштириш ва комплекс таҳлил қилиш имконияти чекланган. Бу эса риск гуруҳларини эрта аниқлаш, профилактик чораларни прогноз қилиш ҳамда ҳудудлар кесимида жиноятчилик динамикасини баҳолаш жараёнларини мураккаблаштиради.



Шунингдек, рақамли профилактика воситаларидан фойдаланишда аналитик технологиялар (big data, predictive analytics) ва сунъий интеллект элементларини қўллаш даражаси етарли эмас. Натижада профилактика ишлари кўп ҳолларда реактив характерда бўлиб, олдиндан прогноз қилиш имкониятлари тўлиқ ишга солинмаяпти.

Ижтимоий профилактика йўналишида ҳам бир қатор камчиликлар мавжуд. Хусусан, ёшлар билан ишлашда ижтимоий-психологик ёндашувлар — индивидуал консультация, психодиагностика, мотивацион тренинглари, реабилитация дастурлари ва менторлик тизими етарлича қўлланилмаяпти. Бу эса ёшларнинг хулқ-атворини ўзгартириш, уларни ижтимоий фойдали фаолиятга жалб қилиш ва риск омилларини камайтириш имкониятларини чеклайди.

Бундан ташқари, ижтимоий профилактика тадбирларининг узвийлиги ва самарадорлигини таъминловчи ягона методологик ёндашув мавжуд эмас. Маҳалла институти, таълим муассасалари ва ижтимоий хизматлар ўртасидаги ҳамкорлик кўп ҳолларда эпизодик характерга эга бўлиб, тизимли мониторинг ва баҳолаш механизми тўлиқ шаклланмаган.

Умуман олганда, рақамли ва ижтимоий профилактика тизимини такомиллаштириш учун ягона электрон платформа яратиш, идоралараро интеграцияни кучайтириш ҳамда психологик ва ижтимоий ёндашувларни профилактика амалиётига кенг жорий этиш зарурати долзарб бўлиб қолмоқда.

Ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятларни профилактика қилиш тизими сўнгги йилларда босқичма-босқич такомиллашиб бораётган бўлса-да, унинг амалий самарадорлигини янада ошириш учун қатор стратегик йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чунки замонавий ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, рақамлашув ва урбанизация шароитида ёшлар орасидаги риск омиллари ҳам мураккаблашиб бормоқда.



Биринчидан, *идоралараро ҳамкорликни кучайтириш* масаласи устувор аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда профилактика жараёнида ички ишлар органлари, маҳалла институти, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимлари иштирок этади. Бироқ ушбу субъектлар ўртасидаги ахборот алмашинуви ва амалий мувофиқлаштириш ҳар доим ҳам етарли даражада эмас. Шу боис, ягона бошқарув ва мониторинг механизмини шакллантириш, маълумотларни реал вақт режимида алмашиш тизимини жорий этиш, шунингдек, ҳар бир идоранинг аниқ функционал масъулиятини белгилаш профилактик фаолиятнинг самарадорлигини сезиларли оширади.

Иккинчидан, *риск индикаторлари асосида прогнослаш тизимини жорий этиш* долзарб вазифадир. Ёшлар орасида жиноят содир этиш эҳтимолини олдиндан аниқлаш имконини берувчи илмий асосланган индикаторлар тизими ҳали тўлиқ шаклланмаган. Шу сабабли, ижтимоий ҳолат, оилавий муҳит, таълим даражаси, психологик ҳолат ва интернет фаоллиги каби омилларни интеграл баҳолаш орқали риск гуруҳларни аниқлаш ва улар билан адресли профилактика ишларини олиб бориш тизимини жорий этиш зарур.

Учинчидан, *рақамли профилактика механизмларини кенгайтириш* муҳим йўналишлардан биридир. Бу борада ягона электрон мониторинг платформасини яратиш, идоралараро интеграциялашган маълумотлар базасини шакллантириш, сунъий интеллект ва аналитик технологиялардан фойдаланиш орқали жиноятчилик тенденцияларини прогноз қилиш имкониятларини кенгайтириш талаб этилади. Шунингдек, рақамли муҳитда ёшлар хулқ-атворини мониторинг қилиш, киберҳуқуқбузарликларни эрта аниқлаш ва профилактика қилиш механизмларини такомиллаштириш зарур.

Тўртинчидан, *индивидуал ва ижтимоий профилактика ёндашувларини уйғунлаштириш* масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Амалда профилактик ишлар кўп ҳолларда умумий характерга эга бўлиб, шахсга йўналтирилган ёндашув етарлича қўлланилмаяпти. Шу боис, ҳар бир ёш билан индивидуал ишлаш,



психологик диагностика ўтказиш, касбий йўналтириш ва ижтимоий реабилитация дастурларини кенгайтириш лозим. Шу билан бирга, маҳалла, таълим муассасалари ва оила институти орқали амалга ошириладиган ижтимоий профилактика тадбирларини тизимли ва узвий тарзда ташкил этиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу йўналишларнинг уйғун равишда амалга оширилиши ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш бўйича самарали, замонавий ва комплекс профилактик тизимни шакллантириш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т., 2023 (янги таҳрир).
2. Ўзбекистон Республикасининг “Профилактика тўғрисида”ги Қонуни. — Т., 2014 (ўзгартиш ва қўшимчалар билан).
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни. — Т., 2016.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. — Т., 2024 (янги таҳрир).
5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги статистик ахборотлари. — Т., 2023–2025 йй.
6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ҳисоботлар. — Т., 2023–2024 йй.
7. Абдурасулова Қ.Р. ва бошқ. Криминология. Дарслик.— Т.: ИИВ Академияси нашриёти, 2023.
8. Раҳимов Ш. Жиноятчилик профилактикасининг назарий ва амалий масалалари. — Т.: Адолат, 2022.
9. Таджиев М.Т. Виктимология асослари. — Т.: Юристлар малакасини ошириш маркази, 2021.



Хўжиев У.А. Ёшлар ҳуқуқбузарлиги ва унинг олдини олиш муаммолари.
— Т.: ТДЮУ, 2023.

10. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий мақолалар
тўплами. — Т., 2025 й.